

14. O'z MA, I-126-fond, 1-ro'yxat, 29-ish, 1- varaq
15. O'z MA, I-1-fond, 11- ro'yxat. 504-ish, 3-varaq.
16. Расуль-Заде П.Н. Из истории среднеазиатско-индийских связей второй половины XIX – начала XX века. – Ташкент: Фан, 1968. – 170 с.
17. Qobulov E., Allamuratov Sh. XIX asr oxiri-XX asr boshlarida Surxon vohasining Amudaryo suv yo'li va kechuvlari orqali savdo munosabatlari // Markaziy Osiyo tarixi va madaniyati. – 2023. – T. 1. – №. 1. – S. 405-409.

ИККИНЧИ ЖАҲОН УРУШИДАН КЕЙИНГИ ЙИЛЛАРДА ЖАНУБИЙ ВИЛОЯТЛАР ТАЪЛИМ ТИЗИМИНИ ЎҚИТУВЧИЛАР БИЛАН ТАЪМИНЛАШ МАСАЛАСИ

Умаров Жамшид Саидмуратович,

Термиз давлат университети Жаҳон тарихи кафедраси тадқиқотчиси,
Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

Umarovjamshid510@gmail.com

Аннотация: Иккинчи жаҳон урушидан кейинги йилларда Совет давлатининг ички ҳаётида тўпланиб борган муаммолар жуда кўпол хато ва камчиликлар таълим тизимида ҳам акс этди. Урушдан кейинги йилларда халқ хўжалиги ва таълим тизими учун мутахассислар тайёрлаш масаласи ҳам кун тартибидagi долзарб масалалардан бирига айланди. Мақолада урушдан кейинги йилларда жанубий вилоятлар таълим тизимини ўқитувчилар билан таъминлаш масаласи масаласи ёритилган.

Калит сўзлар: маориф тизими, педагогика билим юрти, ғоявий-мафкуравий тарбия, коммунистик партия мафкураси, ўрта махсус хунар-техника билим юртлари, Сурхондарё вилояти.

Аннотация: В годы после Второй мировой войны проблемы, накопившиеся во внутренней жизни Советского государства, нашли отражение в системе образования. В послевоенные годы вопрос подготовки специалистов для народного хозяйства и системы образования стал одним из актуальных вопросов повестки дня. В статье рассмотрен вопрос обеспечения педагогическими кадрами системы образования южных регионов в послевоенные годы.

Ключевые слова: система образования, педагогическое образовательное учреждение, идейно-

идеологическое воспитание, идеология коммунистической партии, средние специальные профессионально-технические учебные заведения, Сурхандарьинская область.

Abstract: In the years after the Second World War, the problems that accumulated in the internal life of the Soviet state were reflected in the educational system. In the post-war years, the issue of training specialists for the national economy and education system has become one of the urgent issues on the agenda. The article describes the issue of providing teachers to the educational system of the southern regions in the years after the war.

Key words: educational system, educational institution of pedagogy, ideological-ideological education, ideology of the communist party, secondary special vocational-technical educational institutions, Surkhandarya region.

Иккинчи жаҳон урушидан кейинги йилларда бутун Совет жамиятида илдиш отган микдор кўрсаткичлари изидан қувиш таълим тизимини ҳам четлаб ўтмади. Тўғри аҳолининг саводхонлик даражаси ортди, кўплаб мактаблар қурилди, бу борадаги “режа ва топшириқлар” ортиғи билан уудаланди. Бироқ юксак маданиятли шахсни тарбиялаш, ҳар томонлама

баркамол авлодни ўстириш масаласи атайин четга сурилди. Бундай услуб асосида мактабни марказлаштирилган ҳолда бошқариш уни жонажон маданиятидан, асрлар давомида шаклланиб келган анъана ва кадриятларидан, бебаҳо тарихий меросидан тобора кўпроқ бегоналаштириб борди.

Урушдан кейинги йилларда халқ хўжалиги ва таълим тизими учун мутахассислар тайёрлаш масаласи ҳам кун тартибидаги долзарб масалалардан бирига айланди. Ушбу муаммони ҳал қилишда ўрта махсус билим юртларининг ҳам ўзига хос ўрни бор. Чунончи, Қарши педагогика билим юрти (1927), Термиз педагогика билим юрти (1927), Қарши тиббиёт билим юрти (1946), Қарши мактабгача тарбия педагогика билим юрти (1966), Қарши политехникуми (1965), Термиз жисмоний тарбия билим юрти (1967), Ангор педагогика билим юрти (1964), Шаҳрисабз педагогика билим юрти (1967), Денов педагогика билим юрти (1969), Термиз тиббиёт билим юрти (1963), Термиз санъат билим юрти (1960), Қарши маданият техникуми, Чимқўрғон қишлоқ хўжалик техникуми, Пачкамар қурилиш техникуми, Термиз полтехника техникуми (1964), Термиз қишлоқ хўжалик техникуми (1974), Термиз кооператив техникуми (1977) ва бошқа шунга ўхшаш ўрта махсус билим юртлари ташкил этилди. Шунинг ўз ўрнида таъкидлаб ўтиш жоизки, аввало мактабларни ўқитувчи кадрлар билан таъминлаш масаласи урушдан кейинги йиллардаги энг долзарб ва ўта муаммоли масалалардан бири эди. 1945 йил сентябрда Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитасининг XII пленуми “халқ маорифи ишини яхшилаш ва республика олий ўқув юртлари ҳамда техникумларда мутахассис кадрларни тайёрлаш бўйича қўшимча тадбирлар тўғрисида” қарор қабул қилди. Чунки бу даврда умумий мажбурий таълимни жонлантириш кун тартибидаги энг муҳим масалалардан бири эди. Сабаби уруш йилларида болаларни мактабга жалб этиш режалари бажарилмади, кўплаб ўқувчилар оғир турмуш шароити туфайли

мактабдан кетиб қолди. Иккинчи томондан, таълимнинг унча юқори бўлмаган савияси мактабда ўқишни давом эттирадиган болаларни лозим даражада ўқишга тортиш имконини бермас эди. Масалан, 1945-1946 ўқув йили охирига келиб Ўзбекистон мактабларидаги ўқувчилар сони режадаги 1 миллион 10 минг киши ўрнига 823 минг кишидан иборат бўлган эди. Синфда қолган ўқувчилар сони жами ўқувчилар сонининг 37 фоизини ташкил этарди. Қолаверса ўқитувчи кадрлар масаласи ҳам дарҳол ҳал қилинмади. Биргина I-IV синфлар учун 800 ўқитувчи етишмасди. Туман халқ таълими бўлимлари мудирлари ва инспекторларининг, мактаб директорлари ва таълим бўйича директор муовинларининг 60 фоиздан ошиғи тегишли маълумотга эга эмас эди. Бундай муаммонинг ечимини топиш учун зудлик билан қатъий ва самарали тадбирларни кўриш зарур эди[3;Б.82]. Шунинг учун республика раҳбарияти собиқ Иттифок ҳукуматидан мутахассислар жўнатишни сўраб тез-тез мурожаат қилар, уларнинг мурожаати муносабати билан СССРнинг марказий қисмидан турли даражадаги мутахассислар юбориларди. Лекин бу мутахассислар билан зарур эҳтиёжни қондириш имконияти йўқ эди. Қолаверса юборилган мутахассислар жойлардаги мавжуд шароитни тушунмас, айниқса маҳаллий тилларни мутлоқо билмасди. Бу эса иш фаолиятини ташкил этишга жиддий тарзда салбий таъсир кўрсатарди. Шу боисдан ҳам республик ҳукумати ички имкониятларни ишга солиб ўрта махсус таълим берувчи ўқув юртларини ташкил қилиш уларнинг фаолиятини такомиллаштириш масаласига эътиборни кучайтирди. Жанубий вилоятлар таълим тизимини ўқитувчи мутахассисликларга бўлган эҳтиёжини қондиришда Қарши ва Термиз педагогика билим юртлари самарали фаолият олиб борди. Чунончи 1945-1946 ўқув йилида Қарши Педагогика билим юрти 42 нафар, 1946-1947 ўқув йилида эса 46 нафар киши тугаллади[7;Б.21]. Бундан ташқари 1945-1946 ўқув йилида Қарши Педагогика билим

юрти хузурида қисқа муддатли ўқитувчилар қайта тайёрлаш курси ташкил этилди ва унда 447 та ўқитувчи қайта тайёрланди[6;Б.87]. Қарши педагогика билим юртида 1946-1947 ўқув йилидан бошлаб сиртқи таълим тизими ҳам йўлга қўйилди ва унда 489 ўқувчига сабоқ берилди[9;Б.65]. 1947-1948 ўқув йилида Термиз Педагогика билим юртини 142 нафар педагог битириб чиқди[10;Б.56]. 1949-1950 ўқув йилида эса мазкур билим юртида 185 нафар ўқитувчи мутахассис тайёрланди[11;Б.47]. 1947-1948 ўқув йилидан бошлаб Термиз педагогика билим юртида ҳам сиртқи таълим йўлга қўйилди ва шу йили ушбу йўналишга 146 нафар ўқувчи ўқишга қабул қилинди[12]. 1958-1959 ўқув йилида ушбу билим юртни 140 нафар талаба битириб чиқди[13;Б.75]. 1960-1964 йиллар оралиғида Термиз педагогика билим юртини 638 нафар талаба битирди[14;Б.25]. 1966 йил 10 январда Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитаси йиғилишида мактабгача тарбия муассасалари ишини янада яхшилаш, жамоа ва давлат хўжаликларида болалар боғчалари, яслилар ташкил қилиш масаласи кўриб чиқилди. Ушбу вазифани бажариш учун энг аввало тарбиячи мутахассислар зарур эди. Шу сабабдан ҳам 1966 йил 5 апрелда Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитаси қарори асосида Қарши мактабгача тарбия педагогика билим юрти ташкил этилди. Ушбу билим юртида Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятлари мактабгача таълим муассасалари учун мутахассислар тайёрлаш жараёни йўлга қўйилди[8;Б.41]. Жанубий вилоятлар мактабларининг жисмоний тарбия ўқитувчиларига бўлган эҳтиёжидан келиб чиқиб, 1967 йилда Термизда жисмоний тарбия билим юрти ташкил этилди. 1969 йилда ушбу техникумни 83 нафар киши битириб чиқди[15;Б.98]. Ўқувчи ёшларга мусиқа таълимини бериш масаласида ҳам ўрганилаётган даврда анча камчиликлар мавжуд эди. Шу боисдан ҳам 1960 йил 3 июнда Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитаси “Мусиқа таълимини

яхшилаш ва уни янада ривожлантириш тўғрисида”а қарор қабул қилди. Ушбу қарор мактабларда мусиқа таълимини йўлга қўйишда муҳим ўрин тутди. Ўз навбатида 1960 йил 13 октябрда Сурхондарё вилоят партия ва ижроия қўмиталарининг қўшма йиғилишида вилоятдаги мавжуд 3 та мусиқа мактабни кенгайтириш, моддий-техник таъминотини яхшилаш, 1960-1965 йиллар мобайнида воҳада мусиқа мактаблари сонини кўпайтириш ҳамда Термиз шаҳрида мусиқа билим юртини очишга қарор қилинди[1;Б.47]. 1961 йилда Термиз санъат билим юрти очилди[4;Б.30]. Ушбу билим юрти вилоят мактаблари учун мусиқа ўқитувчилари ҳам тайёрлай бошлади. Ўрганилаётган даврда жанубий вилоятлар халқ хўжалиги тизимини ўрта бўғин мутахассисларга бўлган эҳтиёжини қондиришда хунар техника билим юртларининг ҳам ўзига яраша хиссаси бўлди. Шу даврда жанубий вилоятларда ўрта махсус билим юртларининг сони ҳам бир қадар ортиб борди. Масалан: 1970-1971 ўқув йилида Қашқадарё вилоятида 11 та ўрта махсус хунар техника билим юрти фаолият юритган бўлса, 1985-1986 ўқув йилида уларнинг сони 15 тага етди. Сурхондарё вилоятида эса ўрта махсус хунар техника билим юртларининг сони юқоридаги ўқув йилларига мос равишда 9 тадан 15 тага кўпайди[16;26]. Шу йилларда ўрта махсус хунар техника билим юртларида таҳсил олаётган ўқувчилар сони ҳам йил сайин ошиб борди. Агар 1970-1971 ўқув йилида Қашқадарё вилояти ўрта махсус хунар-техника билим юртларида 9500 нафар йигит-қиз ўқиган бўлса, 1985-1986 ўқув йилида уларнинг сони 15100 кишига етди, ёки мазкур ўқув йилларида Сурхондарё вилоятидаги ўрта махсус билим юртларида таҳсил олаётган ўқувчилар сони 4800 нафардан 10400 нафарга қадар кўпайди[16;67]. 1990 йилга келиб эса Сурхондарё вилоятида хунар техника билим юртларининг сони 31 тага етди[1;Б.48]. 1976 йилда Сурхондарё вилояти ўрта махсус хунар-техника билим юртларини 2103 нафар механизатор, 475 нафар курувчи, 1650 нафар бошқа турдаги

касб эгалари битириб чиқди. 1980 йилга келиб эса меҳанизаторлар тайёрлаш 2320 тага қурувчилар тайёрлаш эса 725 нафарга кўпайди. 1990 йилга келиб вилоятдаги ўрта махсус ҳунар техника билим юртлари 5742 нафар мутахассис тайёрлади[1;Б.48]. Бироқ шунини таъкидлаш жоизки, жанубий вилоятлар халқ хўжалигининг асосан аграр соҳасига ихтисослашуви туфайли тайёрланган кадрларнинг аксарият қисмини қишлоқ хўжалиги соҳасидаги мутахассислар ташкил қилар эди. Ҳунар-техника билим юртлари моддий техник таъминоти, уларни малакали мутахассислар билан таъминлаш борасида ҳам анчагина етишмовчилар ҳам мавжуд эди. Кўпгина билим юртларининг ўқув устахоналари зарур ўқув жиҳозлари билан жиҳозланмаган, ўқитиладиган мутахассисликлардан ўзбек тилидаги дарсликлар етишмаслиги, ҳунар техника билим юртларида ўқитиладиган фанларнинг чуқур ўқитилмаслиги, ортиқча ўқув юкламалари, назарияни амалиёт билан боғлашдаги узилишлар, ўқувчиларнинг хўжалик ишларига тинимсиз жалб қилиниши ўқитишнинг сифатига салбий таъсир кўрсатар эди. Бундан ташқари ҳунар-техника билим юртларига асосан ўзлаштириши паст тарбияси бироз оғирроқ ўқувчиларни юборилиши, ўқувчиларнинг қобилияти, иқтидори ва қизиқишлар доирасини инобатга олмасдан зўрма-зўракилик билан тақсимланиши туфайли мазкур ўқув юртларининг таълим-тарбия жараёнида жиддий муаммолар, камчиликлар юзага келиши табиий ҳол эди. Буларнинг олдини олиш масаласи эса ҳеч қандай қизиқтирмас, аксинча таълим тизимида ҳам миқдор кўрсаткичлари изидан қувиш, ортиқча дабдабозлик, қаби иллатлар анча кенг илдиз отган эди. Ўрганилаётган даврда халқ таълими тизими учун олий маълумотли мутахассислар тайёрлаб бориш шунингдек, илмий педагогик ходимлар тайёрлашда Олий таълимининг ҳам ўзига хос ўрни ва роли мавжуд. Албатта таълим ва тарбиянинг сифатини ошириш, ўқитишнинг замонавий услубларини

қўллаш, ўқувчиларга чуқурроқ илм беришни йўлга қўйишда олий маълумотли мутахассисларнинг ўрни катта. Лекин урушдан кейинги дастлабки йилларда республика мактабларида олий маълумотли ўқитувчилар сони анча кам эди. Масалан: 1945-1946 ўқув йилида Республиканинг қишлоқ жойларида ўқитувчилар сони 12490 кишига етди. Бироқ шундан 5574 ўқитувчи олий маълумотга эга эди[3;Б.85].

Тадқиқ этилаётган йилларда Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятларининг мактабларида ҳам олий маълумотли ўқитувчиларга эҳтиёжи ниҳоятда катта эди. Масалан: 1950-1951 ўқув йилида Сурхондарё вилоятидаги барча турдаги мактабларда 3144 нафар ўқитувчи ишлаган бўлса, шундан 322 нафар ўқитувчи олий маълумотли мутахассис эди ҳолос[5;Б.421-422]. Сурхон воҳасида илк бора олий ўқув юртига 1954 йилда асос солинди. Собиқ Иттифок ҳукуматининг 1953 йил 25 декабрдаги фармойиши ва Ўзбекистон ҳукуматининг 1954 йил 24 февралдаги қарорига асосан Марғилон ўқитувчилар институти Сурхондарё вилоятининг маркази Термиз шаҳрига кўчирилди. Термиз ўқитувчилар институтининг очилиши вилоят маданий ҳаётида катта тарихий воқеа бўлди. 1956-1957 ўқув йилида бошлаб ўқитувчилар институти Термиз давлат педагогика институтига айлантирилди[17;Б.113-114]. Бироқ иттифок ҳукуматининг мутлоқо ўйламасдан қилган хатоси билан 1960 йилда Қашқадарё вилояти тугатилиб, Сурхондарё вилоятига қўшилди. Гарчанд вилоят маркази Термиз шаҳрида бўлса-да, Термиз давлат педагогика институти Қарши давлат педагогика институтига қўшилди. Тўрт йиллик сарсонгарчиликдан сўнг 1964 йили Қашқадарё вилояти қайта тикланди. Сурхондарё вилоятида педагог кадрларга нисбатан эҳтиёжининг юқори эканлигини инобатга олиб, Республика ҳукуматининг 1965 йил 24 апрелдаги қарорига биноан Термиз давлат педагогика институти қайта тикланди. Ушбу даргоҳда дастлабки ўқув йилида 3 та фан номзоди,

24 ўқитувчи, 1 факультет, 3 та кафедра ва 250 талаба билан иш бошлади Термиз давлат педагогика институти кейинги йилларда жуда катта тараққиёт босқичини босиб ўтди. 1990 йилга келиб институтда 7 та факультет 24 та кафедрада 350 га яқин профессор-ўқитувчилар фаолият кўрсатган бўлса, шундан 4 нафари фан доктори 46 нафари фан номзоди эди. Институт ташкил этилган йилдан 1990 йилга қадар ўтган вақт оралиғида институт илмий жамоасининг саъйи-ҳаракати билан 30 та монография, 75 та дарслик ва ўқув-услубий қўлланмалар, 19 та тавсия, 680 дан ортиқ илмий мақола, 1140 та илмий-оммабоп ва публицистик мақолалар ёзилди ва турли нашрлар орқали эълон қилинди[2;Б.6].

Тадқиқ этилаётган даврда Сурхондарё вилояти ҳудудида марказий илмий-тадқиқот институтларининг филиаллари, тажриба станциялари ва таянч пунктлари

ҳам ишлаб турди. Жумладан: Термиз пахтачилик тажриба станцияси, Селекция ва уруғчилик институтининг Термиз филиали, Жарқўрғон пиллачилик, сабзавотчилик ва полиз экинлари тажриба станцияси, Бутуниттифок сабзавот экинлари селекцияси ва уруғчилиги илмий-тадқиқот институтининг Ангор тажриба станцияси, Ю.Гагарин номидаги Давлат наслчилик тажриба хўжалиги, СССР Фанлар Академияси тармоғидаги А.Антонов номидаги Сурхон пахтачилик тажриба хўжалиги, СССР қишлоқ хўжалиги Фанлари Академияси назоратидаги “Бойсун” ҳисори қўйлар заводи ва Денов субтропик ўсимликлар тажриба станциялари ана шундай илмий марказлардан саналади. Тадқиқ этилаётган даврда Қашқадарё вилоятининг маърифий ҳаётида Қарши давлат педагогика институти ҳам муҳим аҳамият касб этди.

Фойдаланилган манба ва адабиётлар:

1. Бердиев Ҳ., Эрматов Ҳ. Сурхондарё тарихидан лавҳалар. Т. “Шарқ”. 1991. – Б. 47, 48.
2. Қодиров Б. Сурхондарё олимлари. Т.: “Меҳнат”. 1990. – Б. 6.
3. Раҳмонов Н.Умаралиев А. Совет Ўзбекистони маданияти тарихи очерклари. Т.: “Ўқитувчи”. 1984. – Б. 82, 85.
4. Турсунов С., Кичкилов Ҳ. Термиз йилномаси. Т.: “Шарқ”. 2001. – Б. 30.
5. Турсунов С., Қабулов Э., Муртозоев Б., Пардаев Т. Сурхондарё тарихи. Т.: “Шарқ”. 2004. – Б. 421-422.
6. Соҳибова М.Т. Ўзбекистонда маданий ҳаёт: тажриба ва муаммолар. (жанубий вилоятлар мисолида (1946-1985 й)). Тарих фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган дисс. Т.: 2008. – Б. 87.
7. Қашқадарё вилоят давлат архиви 249-фонд, 1-рўйхат, 104-иш, 30-варақ
8. Қашқадарё вилоят давлат архиви 534-жамғарма, 1-рўйхат, 49-иш, 14-варақ.
9. Қашқадарё вилоят давлат архиви 1-фонд, 96-рўйхат хат, 343-иш, 17-варақ.
10. Сурхондарё вилоят давлат архиви 404-фонд, 1-рўйхат, 32-иш, 68-варақ.
11. Сурхондарё вилоят давлат архиви 404-фонд, 1-рўйхат, 36-иш, 119-варақ.
12. Сурхондарё вилоят давлат архиви 404-фонд, 1-рўйхат, 34-иш, 112-варақ.
13. Сурхондарё вилоят давлат архиви 404-фонд, 1-рўйхат, 38-иш, 46-варақ.
14. Сурхондарё вилоят давлат архиви 404-фонд, 1-рўйхат, 48-иш, 36-48 варақлар.
15. Маърифат манзили. Т.: “Янгиаср авлоди”. 2002. – Б. 5-6.
16. Народное хозяйство Узбекской ССР. 1985. Т. “Ўзбекистон”, 1986. – С. 308.
17. Сурхон воҳасининг ижтимоий-иқтисодий, моддий ва маънавий маданияти. Республика илмий-амалий анжумани мақолалар тўплами. Термиз. 2011. – Б. 113-114.